



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЙРОҒИ ВА ЭМБЛЕМАСИ НАМУНАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ички ишлар органлари бирдамлигини, ходимларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, улар томонидан «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» хизмат бурчи сўзсиз бажарилишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир таъкид чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг байроғи ва эмблемаси намуналари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, байроқ ва эмблемани тайёрлаш, фойдаланиш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари 3.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти


Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 24 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 24 декабрдаги ПФ-5602-сон Фармонида
1-илова

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлигининг байроғи
ТАВСИФИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги байроғи (кейинги ўринларда – байроқ) тўқ кулранг тўғрибурчакли матодир.



Байроқнинг олд ва орқа томонлари марказида геральдик белги – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эмблемаси тасвирланган. Эмблема диаметри 98 сантиметрли айлана ичига чизилган.

Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенлиги 125 сантиметрга тенг.

Байроқ бошқа ўлчамларда ҳам бўлиши мумкин, бироқ барча ҳолатларда байроқнинг кенлиги ва узунлиги 1:2 нисбатда бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 24 декабрдаги ПФ-5602-сон Фармонида
2-илова

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлигининг геральдик
белгиси – эмблемаси
ТАВСИФИ



сўзлари ёзилган. Ёзувлар қатъият, матонат ва шон-шарафни ифodalovchi иккита саккиз қиррали юлдуз билан бир-биридан ажратилган.

Айлана ўртасида Амир Темури кўшинлари томонидан фойдаланилган ҳамда ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояни ифodalovchi доирасимон қалқон тасвирланган. Қалқон марказида доира ичига чизилган ўнгга айланишни акс эттирувчи октограмма бўлиб, у тартиб, мувозанат ва камолотга етишишни англатади. Қалқон четлари миллий орнамент билан безатилган.

Қалқон ортида – тигри паства қаратилган ва диагональ тарзда кесилган икки шамшир – куч ва ҳимоянинг қадимий рамзи ҳисобланади. Шамширларнинг дастаси Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари – қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ҳурмат қилиш, очиклик ва шаффофликни ифodalovchi тўртта хошиядан иборат.

Қалқон хошияси графит кулранг, шамширлар қумушрангда.

Қалқон ва шамширлар ортида тилла рангда ишланган, қанотлари ёйилган, омад ва бахт рамзи бўлган Хумо қўши тасвирланган. Бундай жойлашув мамлакатда тинчлик ва осойишталик ҳимояланганлигини, ички ишлар органлари халқ манфаатларига хизмат қилишини ифodalayди.

Геральдик белги бир рангли (силуэт) тасвирда бажарилиши мумкин.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ТАХРИРИЯТИ ИЖОДИЙ ХОДИМЛАРИ ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА



ЧИРЧИҚДА БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАР БИЛАН УЧРАШУВ кўтаринки кайфиятда ўтди, саволларга бой бўлди 2

СОЛИҚ ИСЛОҲОТЛАРИ РАҚАМЛАРДА

Солиқ турлари келаси йилдан 19 тадан 15 тагача қисқармоқда. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 14 фоиздан 12 фоизгача, дивидендлар ва фойзалар

кўринишидаги даромадлар бўйича фойда солиғи ставкаси 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилди.

Фойда солиғи 14 фоиздан 12 фоизга туширилиб, тадбиркор фақат даромад олсагина тўланиши белгиланди. Иш ҳақида 30 фоизгача олинадиган даромад солиғи ўрнига ягона 12 фоизлик солиқ тури киритилди ва 8 фоизлик сўғурта бадали умуман бекор қилинди. Ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга туширилди. Яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ҳам 30 фоизга пасайтирилди.

— Нафақа ёшидаман. Шунинг учун пенсия таъминоти билан боғлиқ ўзгаришлардан хабардор бўлиб боришга ҳаракат қиламан. Эшитишимча, 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланади. Бундан ташқари, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг юқори миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробаригача оширилиши ҳам белгиланган. Маълумот ўрнида: бугунги кунгача бундай иш ҳақи олувчи фуқароларга пенсия ҳисоблашда фақат энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаригача бўлган даромади инобатга олинган. Ундан юқориси эса ҳисобга олинмасди.

Ўғил НАЗАРОВА,
Қашқадарё вилояти, Китоб тумани.

Аваз ЎРИНБОЕВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Жорий йил 12 декабрдаги Президент фармонида асосан келаси йил 1 январдан бошлаб барча тоифадаги ишловчи пенсионерларга пенсиялари тўлиқ миқдорда тўланади. Бундан ташқари, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг юқори миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробаригача оширилиши ҳам белгиланган. Маълумот ўрнида: бугунги кунгача бундай иш ҳақи олувчи фуқароларга пенсия ҳисоблашда фақат энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаригача бўлган даромади инобатга олинган. Ундан юқориси эса ҳисобга олинмасди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур Фармон нафақат 2019 йил 1 январдан кейин пенсияга чиқувчиларга, балки ушбу тоифага тушувчи ҳозирги кунда пенсия олиб турган пенсионерларга ҳам таъбиқ этилади ҳамда уларнинг пенсиялари қайта ҳисоблаб чиқилади.

ТАНҚИДИЙ МАҚОЛАГА ЖАВОБ КЕЛДИ

ҚИШЛОҚ ЙЎЛЛАРИ ОБОД БЎЛАДИ

Хоразм вилояти, Қўшқўпир тумани, Қатагон қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаролар Умид Норимов, Эркин Эрматов, Шоназар Холлиев, Одилов Юсупов ва бошқаларнинг «Ваъданинг чегараси борми?» сарлавҳали муножотига асосланган ҳафтада босилган танқидий мақола юзасидан қўшқўпир тумани Қатагон қишлоғи Бاراتлар маҳалласи ички йўлини таъмирлашга ваъда бериб, бажарилмай келинаётгани, ёзда чанг, қишда лой босиб, болалар мактабга боришга қийналаётганидан шикоят қилишганди.

Ушбу танқидга жавоб келди. Унда жумладан шундай дейилади.

«Хоразм вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси Қатагон қишлоғи, Бاراتлар маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаролар томонидан газетда босилган танқидий мақола юзасидан қўшқўпир тумани маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматовнинг Хоразм вилоятида ўтказилган йиғилиши баёни

юзасидан Қўшқўпир тумани бўйича Қатагон қишлоғи, Араблар маҳалласи ички хўжалик йўлида 1 км. жорий таъмирлаш ишлари манзилли дастурга киритилиб, жорий таъмирлаш ишлари бажариладиган.

Қўшқўпир тумани, Қатагон қишлоғи, Бاراتлар маҳалласи ички хўжалик йўлининг 1,5 км. қисми Қўшқўпир тумани ҳокимининг 2019 йилда жорий таъмирлаш ишлари тармок ҳаддидида тақлиф киритилганлигини билдиради.

Хоразм вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси в.в.с.б. М.ҚАЛАНДАРОВ».

МУНОСАБАТ ФАОЛЛИК, ФИДОЙИЛИК БОР ЖОЙДА

ўсиш, тараққиёт бўлади

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 21 декабрь куни ўтказилган навбатдан ташқари сессиясида ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар кўриб чиқилди. Ушбу сессияда Президентимиз нутқ сўзлаб, пойтахтимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, эришилган ютуқлар, муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, келгусидаги асосий вазифаларга эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари пойтахтда амалга оширилган ишлар ҳақида гапирар экан, 2017 йили ялпи ҳудудий маҳсулот 5 фоизга ўсгани, жорий йилда бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этиши қўллаётгани, шунингдек, жорий йил якуни бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 9,2 фоиз, қурилиш ишлари 11,6 фоиз, хизмат кўрсатиш 10,5 фоизга ўсишини таъкидлаб ўтди. Пойтахтни йирик ишбилармонлик ва молия марказига айлантириш бўйича стратегия ишлаб чиқиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Чиндан ҳам, бугунги даврда иқтисодиётга инвестицияларни фаол жалб этиб, бизнес учун қўлай шароит яратилган шаҳарлар жадал ривожланиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, келгусида Тошкентни юқори технология саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган, банк, молия, сўғурта ва бошқа замонавий хизматлар кўрсатиладиган йирик халқаро марказга айлантириш борасида фикрлар билдирилди.

Таъкидлаш керакки, бугун ҳаётга тўғри келмайдиган баланд-баланд марралар қўйиб қўйиб, пойтахтда фаол тадбиркорлик муҳитини шакллантириш талаб этилади. Шаҳар ичиди инновацион ҳудудга, атрофини саноат зоналарига айлантириш, янги-янги лойиҳаларни амалга ошириш ана шу талабга мос иш бўлади.

Шунингдек, сессияда ижтимоий соҳа, қурилиш, коммунал тармокни ривожлантириш, аҳоли ва сайёҳлар учун қўлайликлар яратиш бўйича истиқболдаги вазифалар белгиланган.

Пойтахтда ижтимоий муҳитни яхшилаш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган фикрларни эшитар эканман, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оилалар, оғир турмуш шароитидаги хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар билан биргаликда ҳали ечимини қутаётган қатор масалалар борлигини ич-ичимдан ҳис этдим.

Ўтган давр мобайнида ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оилалар вакиллари билан муаммоларини ўрганиш, депутатлик назоратини амалга ошириш жараёнида уларни уй-жой билан таъминлаш борасидаги ижтимоий муаммоларга гувоҳ бўлдик. Ҳаттоки, айрим уйларнинг на канализацияси, на бошқа шароити бор. Ҳеч қандай санитария талабларига жавоб бермайдиган шароитда яшаётган кўплаб фуқароларга амалий ёрдам кўрсатилди. Бироқ бунинг ўзи етарли эмас. Зиммамизда турган масъулиятли вазифалар олдида қилинган ишлар бир учун деган ҳулосага келдим.

Сессия давомида давлатимиз раҳбари мазкур йўналишдаги олиб борилган ишлардан қўнқимаслигини айтиб, танқидий фикрларини билдирди. Келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Ўйлаيمанки, Тошкент шаҳрида аллақачон вазифасини ўтаб бўлган эски турар-жойлар ўрнига қўлай шароитга эга, харид қилишда энгилроқ шартлар қўйилмайдиган янги уйлар барпо этилади. Ана шунда яна кўплаб болалар муносиб турмуш муҳитида камолотга етади. Хотин-қизлар эса рўзгор ташвишларидан ортиб, ўзига кўпроқ вақт ажратади. Фаол одамлар қанча кўп бўлса, ўсиш, тараққиёт шунча юксалади.

Ҳайдар БОБОХОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши
раиси, Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия
гурухи раҳбари.

1 АКШ доллари 8339,55	1 Англия фунт стерлинги 10532,85	1 Жанубий Корея вонини 7,39	1 Канада доллари 6132,92	1 Швейцария франки 8381,46	1 Миср фунти 466,94
1 ЕВРО 9479,57	1 Россия рубли 120,91	1 Япония иенаси 74,99	1 Хитой юани 1207,79	1 БАА дирҳа- ми 2270,87	1 Австралия доллари 5864,37

Хоразм вилояти**«SAYAT QURILISH»****корхонаси жамоаси****юртдошларимизни****ЯНГИ — 2019 йил****билан қутлайди!****Янги йил ҳар бир оилага,
ҳар бир инсонга қувонч ва
шодлик олиб келсин!****«ЎЗБЕКОЗИҚОВҚАТЗАХИРА»****уюшмаси жамоаси****ҳамюртларимизни****ЯНГИ — 2019 йил****билан табриклайди!****Ўзбекистон номи жаҳон узра янада
баландроқ янграйверсин. Ҳар бир
хонадонда тинчлик, файзу барака,
тўкинлик ва ободлик бўлсин!****O'ZBEKISTON OVOZI**

МУАССИС:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHIBosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Saidkamol XODJAYEV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 71 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 71 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 71 233-38-55, 71 233-47-80.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba
kunlari chiqadi.«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.Г — 1238. 6332 nuxxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.O'zA yakuni — 23:15.
Topshirilgan vaqti — 00:45

Sotuvda kelishilgan narxda

Nashratchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

Gazetaning elektron sahifasiga u'tish
uchun QR-kodni telefoningiz orqali
skaner qiling.

2 3 4 5 6